# КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 108 (8598). ● 6 июнь, 1985 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

*ҒЎЗА ПАРВАРИШИ КУНДАЛИГИ*

## УЧИНЧИ ИШЛОВ ТУГАЛЛАНДИ

ЧИНОЗ районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози пахтакорлари ғўза парваришини агротехника қоидалари асосида олиб бормоқдалар. Шунинг учун ҳам хўжаликда барча карталардаги ниҳоллар бир текис ривожланаётир. Бу борада, айниқса, колхознинг Исмат Ҳасанов бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари барчага ибрат бўлишяпти. Улар шу кунгача ғўза қатор ораларига учинчи бор ишлов беришни тугалладилар. Бу коллектив деҳқонлари КПССнинг бўлажак XXVII съезди шарафига 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишга аҳд қилишган.

— Ҳозир ҳар туп ғўзани эътибордан четда қолдирмай парвариш қиляпмиз, — дейди бригада бошлиғи. — Чунки уларга айни кунларда қанчалик яхши ишлов берсангиз баравж ўсади, ҳар хил касалликларга чалинавермайди. Учинчи ишлов билан биргаликда гектарига 200—250 килограммдан минерал ўғит солаётганлигимиз туфайли кўчатлар янада дуркунлашмоқда.

Бригаданинг тажрибали механизатори Туруш Бойодилов кунига 8—10 гектар майдондаги ғўза қатор ораларига ишлов бераётир. У хўжаликда механизаторлар ўртасидаги мусобақада ҳам пешқадам.

Бу илғорлардан ўрнак олаётган колхознинг Абдусаттор Абдужабборов, Зироҳат Эгамбердиевалар бошчилик қилаётган бригадаларининг заршунослари ҳам ғўза парваришини кундан-кунга кучайтиряптилар. Умуман, колхоз пахтакорлари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида 730 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилишган.

Т. ЎЗГЕНОВ.

## ТАДБИРЛАР АМАЛДА

БЕКОБОД районидаги «Партия XXV съезди» совхози пахтакорлари ғўза парваришини сифатли ўтказиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқишган. Айни кунларда хўжалик далаларида бўлсангиз дала ишлари ана шу тадбирлар асосида амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Ҳар бир картада тўлиқ гектарлар ҳосил қилинган. Ниҳолларнинг авжи ҳам яхши. Совхоз заршунослари бу йил 2850 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 30 центнер ўрнига 35 центнердан юқори сифатли хом ашё йиғиштириб олиш юзасидан мусобақани авж олдириб юборишган.

Мусобақада 3-бўлимнинг Жаббор Ҳаққулов бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари пешқадамлик қилмоқдалар. Улар 66 гектар ердаги ғўзага сифатли ишлов беришяпти. Бригада далаларида шоналаган ниҳоллар кундан-кунга кўпайиб боряпти.

— Биз бу йил ҳосилнинг асосий қисмини машиналар ёрдамида йиғиб-териб олишни режалаганмиз, — дейди бригада бошлиғи. — Бунинг учун ҳозирданоқ курашяпмиз. Ниҳолларни бир текис, машинабоп қилиб ўстиришга асосий эътиборни қаратяпмиз.

Ҳақиқатан ҳам бригадада ғўзаларга ишлов бериш, озиқлантириш, суғориш каби тадбирлар сифатли амалга ошириляпти. Шунинг учун барча карталардаги экинларнинг ривожи яхши бўлаётир. Коллектив деҳқонлари ҳосилдорликни 40 центнерга етказишни режалашган.

У. МУҲАМЕДОВ.

## ҲУРМАТ ТАХТАСИ

**Пилла етиштириш ва давлатга топшириш бўйича планни муддатидан олдин бажарганликлари учун қуйидагилар область «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар:**

### ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

**Ленин номли колхоз** (раиси М. Каримов, партия ташкилотининг секретари К. Деҳқонов, касаба союз ташкилотининг раиси У. Жибаев, комсомол ташкилотининг секретари С. Саримсоқов, пиллачилик агротехниги Х. Турдиева ўртоқлар).

**«Северний маяк» колхози** (раиси С. Когай, партия ташкилотининг секретари Т. Мирбобоев, касаба союз ташкилотининг раиси О. Эм, комсомол ташкилотининг секретари К. Оқбердиев, пиллачилик агротехниги М. Сайфуллина ўртоқлар).

**Энгельс номли колхоз** (раиси Б. Қосимов, партия ташкилотининг секретари В. Афанасьев, касаба союз ташкилотининг раиси Т. Мамажонов, комсомол ташкилотининг секретари И. Дўстматов, пиллачилик агротехниги А. Петриева ўртоқлар).

**Терешкова номли колхоз** (раиси У. Ҳасанова, партия ташкилотининг секретари Р. Саидмуродов, касаба союз ташкилотининг раиси Р. Рўзиев, комсомол ташкилотининг секретари Ш. Саидаҳророва, пиллачилик агротехниги Х. Қаюмов ўртоқлар).

### ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ БЎЙИЧА

**Куйбишев номли колхоз** (раиси Э. Файзиев, партия ташкилотининг секретари Ғ. Тожибоев, касаба союз ташкилотининг раиси М. Алишев, комсомол ташкилотининг секретари З. Зардалова, пиллачилик агротехниги З. Султонова ўртоқлар).

**Охунбобоев номли колхоз** (раиси А. Холиқов, партия ташкилотининг секретари У. Ботиров, касаба союз ташкилотининг раиси М. Куматов, комсомол ташкилотининг секретари У. Рисқулов, пиллачилик агротехниги А. Беркинбоев ўртоқлар).

**«Ленинизм» колхози** (раиси Ў. Музаффаров, партия ташкилотининг секретари А. Кузенбоев, касаба союз ташкилотининг раиси Р. Йўлдошев, комсомол ташкилотининг секретари Ю. Ўринбоев, пиллачилик агротехниги А. Бегимқулов ўртоқлар).

**«Оққўрғон» совхози** (директори Т. Каримов, партия ташкилотининг секретари С. Абдуллаев, касаба союз ташкилотининг раиси Н. Турғунбоев, комсомол ташкилотининг секретари К. Пиримқулов, пиллачилик агротехниги М. Нуриддинов ўртоқлар).

### ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ БЎЙИЧА

**«ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози** (директори О. Сулгонов, партия ташкилотининг секретари П. Саидаҳмедов, касаба союз ташкилотининг раиси А. Бейсебоев, комсомол ташкилотининг секретари А. Ғойназаров, пиллачилик агротехниги Х. Тўхтаназарова ўртоқлар).

### БЎКА РАЙОНИ БЎЙИЧА

**К. Маркс номли колхоз** (раиси Р. Саидов, партия ташкилотининг секретари Э. Қуроқбоев, касаба союз ташкилотининг раиси Р. Дўлтабоев, комсомол ташкилотининг секретари Т. Мингбоев, пиллачилик агротехниги А. Мамажонов ўртоқлар).

## Янгийўл: ЮКСАК МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

**ҚУРТ боқишни уюшқоқлик билан ўтказган янгийўлликлар меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришдилар. Улар шу кунга қадар мажбуриятда кўзда тутилган 170 тонна ўрнига 177,4 тонна пилла топширишга муваффақ бўлдилар. Шундай қилиб план 102,7 процент қилиб ортиғи билан адо этилди.**

**«Коммунизм» колхози пиллакорлари, айниқса, салмоқли ютуқларни қўлга киритдилар. Бу колхоз пиллакорлари уйган хирмон шу кунгача 35 тоннадан ортиб кетди. Оширилган мажбурият ҳам зиёдаси билан адо этилди. План 145,2 процент бажарилди.**

**Райондаги Х. Турсунқулов номли, Калинин номли, «Партия XXI съезди» ва «Интернационал» колхозларининг пиллакорлари ҳам ўзаро мусобақада актив қатнашиб, давлатга мўл-кўл қимматбаҳо хом ашё етказиб бердилар.**

**◆ КОММУНИСТИК районидаги Свердлов номли колхоз пахтакорлари КПССнинг бўлажак XXVII съездини меҳнатда муносиб кутиб олиш учун барча имкониятларини ишга солмоқдалар. Айни кунларда хўжаликда асосий эътибор ғўза парваришини сифатли амалга оширишга қаратилмоқда. Деҳқонлар бу йил 1784 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилишган. Суратларда: (чапдан) 2-участка 2-бригадаси бошлиғи Эсон Усмонов, колхоз партия ташкилотининг секретари Эрмамат Ҳакимов ва шу участка бошлиғи Пардабой Йўлдошев ўртоқлар ғўза ривожини кўздан кечиришмоқда; экин қатор ораларига ишлов бериш пайти.**

А. ЗУФАРОВ фотолари.





*Икки район рапорти*

### ҒАЛАБА

**Район пиллакорлари маррага етиб келдилар. Тайёрлов пунктларига 145,8 тонна юқори сифатли хомашё топширилди ва план 100,5 процент адо этилди. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 58 килограммдан ҳосил йиғиб олинди. Шундай қилиб, беш йиллик план ҳам 112,7 процент бажарилди.**

**Свердлов номли, «Москва», Ленин номли, Энгельс номли, Ҳамза номли, Киров номли, «Заря коммунизма» колхозлари, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», Волков номли совхозларнинг меҳнаткашлари меҳнат ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар.**

**Областимизнинг бир группа илғор пиллакорлари ташаббуси кенг қулоч ёйди. Райoннинг А. Имонбердиева, Б. Найдимова, А. Муродова, О. Ботирбекова, К. Ҳасанова, Х. Саидхўжаева сингари илғор пиллакорлари, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришишяпти.**

**Район пиллакорлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб зиммаларига социалистик мажбурият олдилар. Улар давлатга пландан ташқари 20 тонна «кумуш тола» сотиш учун курашмоқдалар.**

### КАЛИНИН

**КПСС XXVII съезди шарафига ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат қилган пиллакорлар дастлабки меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Ҳозиргача тайёрлов пунктларига 145 тонна ўрнига 145,9 тонна хом ашё етказиб берилиб, план 100,6 процент адо этилди.**

**Калинин номли, Оржоникидзе, Куйбишев номли, «Партия XX съезди» колхозлари пиллакорлари бу йил ҳам қурт боқишни уюшқоқлик билан ўтказиб, мўл пилла ҳосили олишга муваффақ бўлдилар.**

**«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози пиллакорлари районда биринчилар қатори ғалаба рапортига имзо чеккан эдилар. Улар шу кунларда оширилган мажбурият ҳисобига пилла топширмоқдалар.**

**«Қорасув» совхози меҳнаткашлари ҳам дастлабки ютуқларни мустаҳкамлаш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар.**

**Район пиллакорлари ялпи пилла хирмонини 160 тоннага етказиш учун курашмоқдалар.**

*СТАХАНОВЧАСИГА ИШЛАЙЛИК*

## ҲАР СМЕНАДА 1,5 НОРМАДАН

Республикамиз пойтахтидаги санитария-техника асбоб-ускуналари заводида стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора авж олаяпти. Бу ватанпарварлик ҳаракатида иштирок этаётган кўпгина токарлар, слесарлар, фрезерчилар, пармаловчилар ва бошқа касб эгалари зиммаларига шахсий мажбуриятлар олиб, ваъдаларининг устидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилишяпти.

Бу меҳнат беллашувида ўнлаб ишчилар юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Айниқса, Зуфар Сулаймонов, Эдик Ким, Минзила Гайсина, Сергей Ширяев ва Евгений Ромашинлар унумли ва сифатли ишлашда кўпчиликка намуна бўлмоқдалар. Ўз касбини пухта эгаллаган бу ишчилар бутун маҳоратлари ва тажрибаларини сарфлаб меҳнат қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар сменадаги ўртача иш кўрсаткичлари 130—140 процентни ташкил этмоқда. Илғорларнинг меҳнат календарларида эса келгуси беш йиллик бошланганига анча бўлди.

Қ. ТЎЛАБОЕВ.

## БАРҚАРОР СУРЪАТ

Тошкентдаги «Узбекхлопкомаш» заводи цехларида агитаторлар стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига бағишлаб суҳбатлар ўтказдилар. Корхона ветерани, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Тимофей Ильич Игумнов номи ишлаб чиқариш илғорлари, биринчи беш йилликларнинг қаҳрамонлари бошлаб берган зарбдор меҳнат эстафетасини муносиб давом эттираётганлар қаторида тилга олинди. У «Бир беш йилликда — икки беш йилликни бажарамиз!» шиори остида авж олиб кетган социалистик мусобақанинг корхонадаги кўп станокчилар ҳаракати ташаббускорларидан биридир.

Тимофей Ильич заводда салкам ўттиз йил ичида исталган станокда ишлашни мукаммал ўрганиб олди. Ўнлаб шогирдларига юксак маҳоратни, турдош касбларни ўргатди. Кўп йиллардан буён бригадага бошчилик қилмоқда. Унинг коллективидаги ҳар бир ишчи иккита ўрнига уч-тўрттадан станокка хизмат кўрсатиб, ҳар куни пахта тозалаш машиналари учун нормадагидан бир ярим-икки баравар кўп деталь тайёрлайди. Тимофей Ильич завод партком иининг аъзоси сифатида ёшларни кекса авлодларнинг шонли анъаналари руҳида тарбиялашга катта эътибор беради. Меҳнат шуҳрати байрамларини ўтказишда, бўлажак юбилей шарафига авж олиб кетган социалистик мусобақа ғолибларини шарафлашда фаол қатнашмоқда.

Т. Игумнов бригадаси КПСС XXVII съездини юксак ишлаб чиқариш натижалари билан кутиб олмоқда. Бригаданинг иш календарида ҳозир 1989 йил якунланмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

## ДЕПУТАТ ҚУРУВЧИЛАР ПЕШҚАДАМ

«Узкоопстроймонтаж» трестига қарашли Тўйтепа кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари партиямизнинг навбатдаги XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан бораётган социалистик мусобақада актив иштирок этмоқдалар. Қурувчилар якунловчи йилнинг беш ойлик қурилиш-монтаж ишлари планини анча барвақт уддалаб қўйдилар.

Колоннада бригадалараро мусобақа ташкил этилган. Унда стахановчасига ишлаётган Борис Пискольский, Мираҳмад Мирзааҳмедовлар етакчилигидаги бригадалар қўлга киритаётган ютуқлар салмоқли бўлмоқда. Шунингдек ғишт терувчи, шаҳар Советининг депутати Дилмурод Аҳмедов, район Советининг депутати, бўёқчи Нина Пильшиковалар нормани бир ярим баравардан адо этиб, топшириқларнинг муваффақиятли бажарилишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

С. АБДУЛЛАЕВ.

## Доимий комиссиялар активлиги оширилсин

Шу йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган сайловлардан сўнг халқ депутатлари Тошкент область, шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советлари сессияларида 1606 та доимий комиссия тузилди. Улар депутатларнинг оммавий ташкилоти бўлиб, аввало тайёргарлик кўриш, ташкилотчилик ва назорат қилиш функцияларини бажаришга даъват этилгандирлар. Комиссиялар составида область, шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советларининг кўплаб депутатлари фаолият кўрсатмоқдалар.

Доимий комиссиялар маҳаллий Совет ишларига гражданларни жалб этишнинг муҳим формаси сифатида хизмат қилмоқда. Областнинг барча меҳнаткашлари қатори доимий комиссия аъзолари ҳам халқ хўжалиги ва маданий қурилишнинг актуал масалаларини ҳал этишлари керак. Улар олдида турган вазифалар КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми (1985 йил) қарорларида, партия ва давлатнинг кейинги йилларда қабул қилинган энг муҳим ҳужжатларида аниқ кўрсатиб берилган.

Доимий комиссиялар қандай ҳаракат қилишлари керак? Уларнинг иш формаси ва методи қандай бўлиши лозим? Илгариги чақириқларда тузилган доимий комиссияларнинг активлик ва ишчанликни ошириш юзасидан тўплаган қайси тажрибаларини ўрганиш мумкин? Шу масалалар область ижроия комитети ўтказган семинар-кенгаш ишида атрофлича муҳокама қилинди. Семинар-кенгашда халқ депутатлари область, шаҳар ва район Советлари доимий комиссияларининг раислари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашни Тошкент область ижроия комитетининг раиси А. Б. Саидхўжаев олиб борди.

Семинар-кенгашда халқ депутатлари область Советининг қишлоқ хўжалиги, ирригация ва мелиорация бўйича доимий комиссияси раиси, Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари Э. Х. Хатамов, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа бўйича доимий комиссия раиси, Тошкент область партия комитети транспорт ва алоқа бўлимининг мудири И. И. Федоринов, энергетика бўйича доимий комиссия раиси, Бўстонлиқ район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Хайдуров, социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини муҳофаза этиш доимий комиссияси раиси, область партия комитети маъмурий органлар бўлимининг мудири В. Я. Егоров, халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Советининг маданият бўйича доимий комиссияси раиси, Чирчиқдаги 12-мактаб ўқитувчиси К. М. Муротова сўзга чиқдилар.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми доимий комиссиялар иши бўйича бўлим мудири Э. Э. Чудновский нутқ сўзлади.

Семинар-кенгаш ишида Тошкент область партия комитетининг секретарлари Ш. З. Камолхўжаев ва В. Г. Гордиенко, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Советлар иши бўйича бўлим мудири М. Т. Тешабоев, Тошкент область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. Тошқулов, область ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Б. Йўлдошева иштирок этдилар.

ТАШАББУСКОРЛАР ҲИСОБОТ БЕРАДИ

## ОРТИҒИ БИЛАН БАЖАРДИК

**БРИГАДАМИЗ коллективи бу йил областимизнинг бир гуруҳ илғор пиллакорлари сафида КПСС XXVII съезди шарафига мўл ва сифатли ҳосил етиштириш ташаббуси билан чиққан эди. Ваъдага вафо қилиш йўлида 110 қути қурт уруғи парваришини агрозоотехника қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда олиб бордик. Бу ўринда мавжуд звенолар ва пиллакорлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани тўғри йўлга қўйганлигимиз катта аҳамиятга эга бўлди. Улар меҳнат беллашуви жараёнида доимо бир-бирларининг тажрибаларини ўрганиб, камчиликларни тугатишда маслаҳатлашиб иш олиб бордилар.**

**Биз ипак қурти боқиш агротехникасининг бузилиш ҳолларининг олдини олиш мақсадида мутахассислар ва илғор пиллакорлардан иборат махсус комиссия туздик. Бу комиссия аъзолари мавсум давомида ҳар куни хонадонларда бўлиб, ипак қуртини озиқлантириш, қуртхоналарда иссиқлик ва намликни нормал даражада сақлаш, тут баргидан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан зарур йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бериб турдилар.**

**Меҳнатларимиз зое кетмади. Боқувимиздаги қуртлар бир текисда ривожланиб бирваракайига дастага кирди. Фурсатдан фойдаланиб пилла теримига ҳам пухта тайёргарлик кўрдик. Терим жараёнида, айниқса, маҳсулот сифатига алоҳида эътибор бердик. Натижаси кутганимиздек бўлди. Қабул пунктига пландаги 6700 килограмм ўрнига 8290 килограмм қимматбаҳо хом ашё топшириб, зиммамиздаги социалистик мажбуриятни ҳам ортиғи билан бажардик. Бригадамиз бўйича ҳар қути қурт уруғидан ўртача 75 килограммдан ошириб пилла териб олинди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори сортларга қабул қилинди.**

**Биз қолган ҳосилни ҳам тезда териб олиб, қабул пунктларига топширишга аҳд қилдик.**

В. ҚАЮМОВА,
Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз пиллачилик бригадасининг бошлиғи.

## ҚАШҚАДАРЁ ПИЛЛАКОРЛАРИ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

**Қашқадарё областининг пиллачилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорларини бажара бориб, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, пилла тайёрлаш юзасидан план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари, 4 июнда бажардилар. Давлатга планда белгиланган 2160 тонна ўрнига 2200 тоннадан кўпроқ ана шу қимматли хом ашё топширилди. Ҳар қути қурт уруғидан 60 килограмм пилла олинди. Тайёрланаётган пилла сифати ошди, ҳосилнинг 89 проценти юқори навларга топширилди.**

**Пилла тайёрлаш беш йиллик плани ошириб бажарилди. Давлатга 10684 тонна пилла сотилди, бу эса планда белгиланганидан 504 тонна кўпдир.**

**Усмон Юсупов, Қарши, Ульянов, Нишон, Косон, Ғузор, Баҳористон, Муборак, Қамаши, Чироқчи, Яккабоғ районларининг пиллачилари пилла тайёрлаш юзасидан план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.**

**Қашқадарё областининг пиллачилари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, КПСС XXVII съезди шарафига ялпи пилла ҳосилини 2400 тоннага етказишга қарор қилдилар.**

